

Қишлоқ ҲАЖМАТИ

1990 йил 7 октябрь
ЯҚШАНБА
№ 229 (5.022)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин.

Шу сонга хабар

ҲИММАТ

Рўзномаи саҳифаланаётганда Бухоро вилоятидан кўнғироқ бўлди. Пешку районидagi «Пешку» совхозининг директори А. Ҳақимов сим қоқаетган экан.

— Сизларни безовта қилаётганимнинг боиси бор. — деди Акрам ака Ҳақимов. — Ҳужалигимизда «Қишлоқ ҳақиқати»га қизқиш катта. Пахтакорми, чорвадорми — касби-қоридан қатъий назар — ҳар ким ушбу рўзнома ҳақида яхши фикр билдиради. Чунки унинг саҳифаларида қишлоқ меҳнатқашларини ўйлантираётган муаммолар, илғорлар тажрибаси тобора кенгроқ ёритилапти. Маъмурият касба уюшмаси ва партия ташкилотлари ишчиларимизнинг қизқишларини ҳисобга олиб, 20 кишини ҳужалик маблағи ҳисобидан обуна қилишга қарор чиқардилар. Бунинг учун 350 сўм ажратилди. Келгуси йилда бу рўзноmani бепоул олиб ўқийдиганлар орасида меҳнат қариялари, ишлаб чиқариш илғорлари бор. Умуман, ҳозиргача давлат ҳўжалигида «Қишлоқ ҳақиқати»нинг 1991 йилги обуначилари сони 140 нафардан ошди.

А. Ҳақимов куйидагиларни ҳам айтди: совхоз кўпгина соҳалар бўйича жорий йил режаларини муваффақиятли бажарди. Айни кезларда пахта йиғим-терими зўр уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Жумҳурият ҳукуматининг теримга юқори ҳақ тўлаш тўғрисидаги қарори мавсум ишчи-қўриқчиларини ғайрат-кўрсатиб ишлашга рағбатлантирмоқда. Меҳнат аҳли оқ олтин тайёрлаш топширигини яқин кунларда адо этишига шубҳа йўқ.

МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Янги турмуш тарига ўтиш — бозор муносабатларига қўшилиш шартинда маданият соҳаси нозик ва ҳимоясиз соҳа бўлиб қолиши мумкин. Ахлоқий ва маънавий қадриятларини ҳамда анъаналарини йўқотиб қўймаслик, ижобий ижодий жараёнлар барқарорлиги сақланиб қолиши учун ана шу нозик ва сезгир соҳа ўзига алоҳида эътибор ва гамхўрлик кўрсатилиши талаб қилади у ҳимояга муҳтождир. Жумҳурият Вазирилар Кенгаши раиси Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг аъзоси Ш. Р. Мирсановнинг ижодкор эътибори, жумҳурият маданият арбоблари вакиллари билан учрашуви зарурати ана шундан келиб чиққан. Учрашув 5 октябрь кунини Тошкентда бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан ижодий уюшмаларнинг, театрларнинг, концерт ташкилотларининг раҳбарлари маданият ижтимоий тараққиётида миллат ва халқнинг қиёфасини, ақлий, ахлоқий ва нафосат жиҳатларининг узаб боғлиқлигини белгилаб берадиган ўзақ эканлигини таъкидладилар. Кўп йиллар давомида маданият «қолдин» қондаси асосида ривожланиб келди. Бу аҳвол шунга олиб келдики, ҳозир маданиятнинг моддий-техникавий базаси жуда оқиз. Санъатни тижоратлаштириш маданият имкониятларига ҳаёқатли таъ-

сир қилиб юксак ахлоқий қадриятларни ҳал этини хавф остида қолдиришмоқда. Маданият соф бозор негизинда ривожлана ва юксала олмайди. Нотийқлар болалар ва ёшларни гузалликни ҳис этадиган қилиб тарбиялаш муаммоларига эътиборни кучайтириш юзасидан аниқ тақлифлар киритдилар. Ўзбек халқининг тарихий ва маданий меросини сақлаб қолишининг, профессионал ва хаваскорлик ижодини ривожлантиришнинг ҳуқуқий қароқларининг, иқтисодий шарт-шароитларини яратиш тўғрисида гапирдилар.

Учрашув чоғида халқ таълимнинг барча бўғинларини инсонларнинг қилиш, адабиёт, музыка, театр, кино ва тасвирий санъатни ривожлантириш манфаатларини кўзлаб маънавий бойликларни емирилишдан ҳимоя қилишда ҳокимият органлари билан ижодкор эътиборнинг биргаликдаги қарарлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ш. Р. Мирсанов тўпаланганларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди. Учрашувда жумҳурият Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон ССР Вазирилар Кенгаши раисининг ўринбосарлари У. К. Имомов, Ф. Р. Умарбеков қатнашдилар.

УЙИНГДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН

Тошкент жамоатчилиги фаолларининг йиғилишида миллиятлараро муносабатларини барқарорлаштириш, тинчлик ва яхши қўнанишчиликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг котиби Х. М. Абдураимов «Тошкент шаҳарида юзга келаятган барқарор аҳолини мустаҳкамлаш соҳасида жамоат ташкилотлари фаолларининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг котиби Х. М. Абдураимов «Тошкент шаҳарида юзга келаятган барқарор аҳолини мустаҳкамлаш соҳасида жамоат ташкилотлари фаолларининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг котиби Х. М. Абдураимов «Тошкент шаҳарида юзга келаятган барқарор аҳолини мустаҳкамлаш соҳасида жамоат ташкилотлари фаолларининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

ШУҲРАТ ТИКЛАНМОҚДА

Бир вақтлар — икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носиров раҳбарлик қилган даврда Жиззах районидagi «Москва» жамоаси кўжалигининг шўхрати нафақат жумҳуриятимизга, балки бутун иттифоққа таралган эди. Аммо кейинчалик унинг иқтисодий кўрсаткичлари пасайиб кетди, қишлоқ кўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш режалари сурункасига бажарилмай қолди, деҳқонлар, чорвадорларнинг ишдан кўнгиллари совиди, негакни даромад яхши бўлмади.


Мана энди кўжалик оёққа туриб, аввалиги шўхратини тикламоқда. Уч йилдан буён белгиланган режалар бажарилаяпти. Кунин кеча вилоятга янги хушхабар тарқалди. Колхоз пахта тайёрлаш пиланини 25 иш кунинда адо этди. 3.167 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ошириб хом ашё йиғиштириб олинди. Давлатга 8000 тонна пахта сотилди. Шундан 4.300 тоннаси машиналарда терилди.

— Жумҳурият ҳукуматининг қарорига биноан теримчи ва механизаторларга тўланадиган ҳақ ана оширилганлиги, — дейди колхоз бошқаруви раиси Аскар Эшонқулов, — пахтакорларимизда иқтисодий рағбат уйғотди, кўнгилларини тоғдек кўтариб юборди. Мавсумда 2 минг нафар теримчи ва 50 та машина ишлаб турди. Қўлда терилган ҳар килограмм пахтага 25 тийиндан, механизаторларга эса ҳар тоннаси учун 14 сўмдан бериб бормоқда. Ҳозиргача ҳар бир агрегат бунжердан 90 тоннадан пахта тўкилди. Механизаторлардан Журсун Эргашев, Умар Очиллов, Икром Исроилов, Ропи Қодиров 150—160 тоннадан оқ олтин тердилар. Ўзбекистон ССР халқ депутати Парда Эъедов, Қарим Исқулов, Ресул Махмудов бошлик бригадаларда ҳислдорлик 27 центнердан бўлди. Имкониятларимизни чамалаб, яна минг тонна пахта сотишга қарор қилдик.

Колхоз пилла, дон, картошка, себзаёт, полиз, жун, мева етиштириш ҳамда давлатга сотиш режаларининг ҳам ошириб адо этди. Бошқа тур маҳсулотлар бўйича ҳам белгиланган марра эгаландини аниқ.

Ҳозиргача колхоз пахтаининг ўзидан 8 миллион, жами 10,5 миллион сўм даромад қилди. Ҳисоб-китоблар ҳўжалик бу йил 12,5 миллион сўм кирим қилишини кўрсатмоқда.

Оила ва ижора пудратининг кенг жорий этилишини, пирондир иш натижаларини, моддий маънавийдорлик деҳқонлар ва чорвадорларнинг меҳнатдаги кўтаринкиларини охирига юборди. Бу йил эришилган зарфлар эртанги кунга ишонч уйғотмоқда. Демак, ун ичинчи беш йилкини яхши бошлаш учун пухта замин бор.




мажбуриятга яраша ташкил этилганлиги туфайли кунлик суръатга суръат қўшилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Бригада сарқори Меҳмон Бозоров. 2. Машина терими. 3. Оқ олтин хирмони қад ростламоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар



Олот районидagi «Шарқ юдузи» жамоаси кўжалигининг Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати Меҳмон Бозоров бошлик бригадаси пахтакорлари жорий йилда 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,6 центнер ўрнига 45 центнердан оқ олтин етиштиришга сўз беришган. Йиғим-терим ана шу юксак



ЧЎЛ ЧИРОҒИ

Кулмирза Бозоров дафттарга кўз ташлар экан, мингиди қулди. Ёзи билан сувчилик қилиб, энди теримда қатнашаётган Нуробил Каримов ўн кунда 840 сўм ишлабди. Хадича Шерматовлага ундан ҳам кўпроқ пул қийибди. Санобар Қодирова, Гулчехра Холбоева эса терган пахталарига 300 сўмдан ҳақ олишди.

— Тушлик пайтида дала бошига бориб тарқатинлар, — деди директор касирга. — Йема-ич сайёр дўхон ҳам юбораман. Теримчилар нима керак бўлса, дала бошида харид қилишсин. Терим бошлангичи олдидан маъмурият, партия ва касба уюшмаси ташкилотларининг қўлима мажлиси бўлган эди. Ушунда қўлда терилган ҳар килограмм пахтага учун 40 тийиндан 60 тийингача, машинада терилган ҳар тонна пахта учун эса 15 тийиндан ҳақ тўлашга қарор қилинган эди. Бундан ташқари, ҳар ўн кунда 700 килограммдан ошириб пахта терган теримчига бир кийимлик хонатлас, илгор механикаторга эса тикуч машинаси совға қилинадиган бўлди. Бригадаларини рағбатлантириш учун 4 та холодильник, 4 та рангли телевизор ажратилди.

Теримчилар мукофотлардан хабардор эдилар. Шу билан ҳам улар мукофотнинг қаттарогини олишга ҳаракат қилмоқдалар. — Ёзида Туркманистоннинг 98—713 навли илгичка тоғли пахтаси экилади. — изох берди директор. — Агар оддий нав пахтаининг чаюғида 4 грамм пахта бўлса, бу навнинг чаюғидан 2 грамм пахта чиқади, холос. Ниҳоятда майин, ўз нони билан ипақ пахтадир. Сувини унчалик ёқтирмайди, қўшин эса севади.

Ипақдек майин пахтаини етиштириш ва териб олиш эса машаққатли. Чаноқлари ўткир, найзасимон, эҳтиёт бўлмасангиз, бароққ учларини қонатиб юборади. Пахтаини уруғлик учун алоҳида, элита қисминин эса алоҳида териш керак. Хил ҳўшёрлик йўқолса, пахта тури бузилади. Пахтаининг машаққатига яраша даромади ҳам мўмай бўлаяпти.

Илгич номили давлат ҳўжалигининг ташкил этилганда, халқ кўп бўлган. йўқ. Уч йил мўқаддам у бир неча ҳўжалигининг чўл зонасидаги ерлариде тузилган эди. Ушда йилни унга 1400 гектар майдон ажратиб берилди. Агароф били дала — на ўй, на йўл бор эди. Одамлар ертўла-ларда яшаб, меҳнат қилишди. Давлат берган қарз пулгига биринчи гада боғча, мактаб, мағазин ва уйлар қўйди бошланди. Катта йўл бўлида аралаш моллар мағазини ишта туширилди. Сўнг 92 ўринли болалар боғчаси қўриб битказилди. Унинг ёнида кичкинагина қаҳвахона очилди. Шу тариқа янги давлат ҳўжалигини шакллана боғди.

Бутун ҳўжалиқнинг марказий мавзесиде салкам 400 ўринли янги мактаб, шинам 50 та уй, алоқ бўлими, маъмурий бино қад ростлаб турибди.

Ҳўжалик биринчи йилдeк пахтадан 9 миллион сўм даромад қилиб, давлат қарзидан тўла узилди. Ортган 3 миллион сўм қурилишларга сарфланди. Уш йил пахтакорлар гектар бошига 26 центнердан ҳосил олишди. Кейинги йилларда ҳосилдорлик кўтарилиб 29 центнерга етди. Бу йил эса жамоас 34 центнерлик маррани кўзла-япти. Давлатга 3800 тонна қимматбаҳо хом ашё сотила-

ган мавзеларнинг бosh пиланини чиздириб олди. Келаякда бу ерда 3, 4, 5, 8 хонали коттеждар қурилади. Уларнинг лойиҳаси бир-бирига ўхшамайди. Директор мутахассислар билан бамаслаҳат уй-жой лойиҳаларини 12 хил шаклдан уч хилини танлаб олди. Уларнинг макети совхоз идорасига қўйилган. Идорага инч билан келаятган ишчи-хизматчилар бир йўла ўзлари келаякда яшайдиган коттеждарнинг лойиҳаси билан ҳам танишиб кетмоқдалар. Ҳар бир коттеж учун 12 сотихли ҳовли ажратилди. Ҳовлига кириваришда бир томонига иморат, иккинчи ёнига газар қурилади. Молхона, озуқажона, дохоналар ҳовли эстагида бўлади.

Дастлабки мўлабди бўйича 4 та мавзедга 40 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилсин керак. Қишлоқ қурилатган коттеждарини нақд пулга ҳам сотиб олишлари мумкин. 5 хоналик уйнинг баҳоси — 22 минг, қўшқаватли, 8 хонали коттежлар эса 29 минг сўм.

Директор келаякда бўладиган ишлар ҳақида завқ билан ҳикоя қиларди. У истиқболга ишонар, ўзи бошлаган хайрли ишининг раванганин истади.

— Одам бўлиб оламга келдики, ўзиндан бирор из қолдир, токи хайрли ишини туфайли эл-юрт тилидан қушса, — дейди у. — Ҳўжалиқимизнинг бугунги авлоди ўзидан яхши ёлгорлик қолдирапти. Қаранг, қандай гузал! Тунда боқсангиз, тўв чўлда ёкиган чирокнда ўхшайди. Бу чирокнинг нурулари олис-олислагача таралаверади, одамларни ўзига ром этаверади.

Ж. НОСИРОВ, Денов району.

ЗАФАРНОМА

ХОРАЗМ

Янгиерик районидagi Аваз Утар номили жамоаси ҳўжалик пахтакорлари талаба ҳўжалигига хизмат қилди. Мавсумда 943 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30,3 центнердан ҳосил саранжомлашиб, эл хирмонига 2900 тонна хом ашё тортиқ этилди. Мавсумда механизаторлар катта ғайрат кўрсатишди. Куронбой Сапаров, Ҳусан Иброҳимов, Собир Исмоилов, Иброҳим Ҳудойберганов ваки суворийлар бунжерлардан 120—150 тоннадан дўр бўшатдилар.

— Бу йил далаларимизда мўл ҳосил етиштирилди, — деди бошқарув раиси А. Олпоберганов. — Бунда ишчи пудрат асосида йўлга қўйганимиз кўп келди. Жамини пахтазор 442 та оналага шартнома асосида бўлиб берилганди. Улар фидокорона ишладилар. Ҳозиргача 374 нафар ахднома мажбуриятларини ўлдирди. Илгор пудратчилар ҳосилдорлигини 40—45 центнерга етказдилар.

Колхоз ланкаларида йиғим-терим қизгин давом этапти. Меҳнат аҳли яна 680 тонна пахта тайёрлаб, ҳосилдорлигини 38 центнердан оширини кўзламоқда.

ЖИЗЗАХ

Файзулла Ҳўжаев номили давлат кўжалиги (Октябрь районидagi) иккита бўлиқ пахтакорлари барнавар маррага етидилар. Мамаднёр Нуралев бошқарувчилик қилаётган бўлиқ чўлқуварлари 322 гектар ерининг ҳар гектаридан 21 центнердан хирмон кўтардилар. Қабул пунктга топширилган 673 тонна хом ашёнинг ҳисобини биринчи сортга ўтди. Жамини ҳосил агрегатлар ёрдамида саранжомланди. Моҳир механизаторлар: Қаҳҳор Мамаджаров 110, Эргаш Сирлибоев 100, Ҳусан Раваданов 90, Холқит Нубаев 70 тоннадан дўрдона тердилар.

— Эришилган ютуққа уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони авиация маршали И. Н. Кожедуб номили, шунингдек Дониёр Мамаюсов, Эсон Эсирганов бошлик бригадалар саломини ҳисса қўшдилар, — деди М. Нуралев. — Бу жамоалар гектардан 23—24 центнердан пахта олишди. Аниқ пайтда мажбурият ҳисобига ҳосил тайёрланмоқда. Мақсад — яна 122 тонна хом ашё йиғиштириб, ҳосилдорлигини ўртача 25 центнерга етказиш.

Совхознинг Тўра Қайнар бошқаруви бўлган бўлиқ деҳқонлари давлатга 343 тонна юқори сортли дўрдона сотдилар. Гектаридан саранжомланган ҳосил миқдори 15 центнерни ташкил этди. Норбек Абдуғаниев, Сирож Бердиев бошлик бригадалар бундан ҳам яхши натижага эришдилар. Умуман, кўжалик аҳли 4.600 тонна кўрпик пахтаси топширишга бел боғлаган. Азаматлар заҳидани тезроқ бажариш учун астойдил иштирокчилар.

Зомин районидagi «Галаба» давлат кўжалиги заршунослари дастлабки донадан ошдилар. Эл хирмонига режада белгилангандан кўп — 4.550 тонна пахта етказиб берилди. Янги хом ашёнинг 95 фоизи пулат этилганлардн тўкилди. Машина терим топшириги 120 фоз қилиб ўрилди.

Мавсумда механизаторлар ва теримчиларнинг ғазро муносабаси яхши эдилар. Меҳнат бешлашуви ҳар беш кунда актуаллик борлиди. Бу сўз-атини ошириб иккинчи берида «Жўрабой Уроллоев, Хотам Солтабоев, Мамаджаров Ҳудоборов, Қодир Бўлдошев ҳам суворийлар бунжердан 130—150 тоннадан оқ олтин бўшатиб, баҳсада илгорлик қилишгапти. Кўп теримда Маширабон Уроллоева, Рўзхон Боймирзаева, Холди Назаров ва сингари чеварлар пешодалар. Уларнинг ҳар қайсиси ҳозиргача 2,9—3,3 центнердан хирмон уйдди.

Ҳўжаликда йиғим-терим қизгин давом этмоқда. Чўлқуварлари яна 1000 тонна дўрдона тайёрлаш мажбуриятини олишди.

НАМАНГАН

«Ленинград» жамоаси кўжалиги пахтакорлари районда биринчи бўлиб зафар маррасини эгалашди. Қабул пунктга 6 минг тоннадан эиёб сифатли хом ашё топширилди. Хосилдорлик гектар ҳисобига 34,5 центнер бўлди. Меҳнат муваффақиятига Н. Исмаилов, И. Ҳудойберганов, М. Усмонов, Х. Нурматов бошлик бригадалар муносиб ҳисса қўшдилар.

Колхоз заршунослари ўз ишончларини чамалаб кўрди, гектаридан яна 6,5 центнердан ҳосил саранжомлашга, қўшмача 1.200 тонна оқ олтин тайёрлашга эҳд қилишди. Э. ИБРОҲИМОВ.

(52ТАГ)

ПАХТАЗОРДА МЕҲНАТ СУРОНИ

ЎзТАГ МУҲБИРЛАРИ ХАБАР БERAДИЛАР

МАШИНАЛАР ШАРОФАТИ

Сирдарё ноҳиясидаги Илчи номи жамоа хўжалигининг Ш. Митанов бригадаси йиллик пахта тайёрлаш топширигини бажариши учун атиги беш кун кифой қилди. Техникадан аъло даражада фойдаланилганлиги сабабли теримда юксак суръатларга эришилди. Ҳ. Уразаев, Ҳ. Хидиров, Ю. Мавлонов ва А. Истонулов ситгар механизаторлар биргаликда ҳар кун камида 36 тоннадан хом ашё териб олишмоқда. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 28 центнердан пахта териб олинди. Уларнинг мақсади бу кўрсаткични 33 центнерга етказиш.

«Ленинград» жамоа хўжалиги, «Малик» ва «Сирдарё» давлат хўжалиқларининг механик-ҳайдовчилари ҳам машина теримини бошлаб юбордилар. Ҳозир ноҳия далаларида жами 380 та агрегат ишламоқда. Уларнинг ҳар биридан кунга камида 100 тонна пахта териб олишга қарор қилинган. 700 тадан кўп транспорт трактори, бошқа техника ҳам теримга жалб этилган.

Фарғона вилоятининг Октябрь 40 йиллиги номли совхозда машиналар тўла қувват билан ишлаб боради. «Ўзбекистон» бўлимида ишлаётган механик Ҳайдовчилар айниқса намуна бўлишмоқда. Улар теримга яхши тайёрланиб кўридилар: бутун техникалар ремонтдан чиқариб, синаб кўридилар. Хом ашё кўришганидан маънодорликни, йўллар ва кўриқларни тайёрлаб қўйдилар.

Буларнинг ҳаммаси пахта тайёрлаш суръати кучайтишга сабаб бўлди. Бўлимида ишлаётган тўртта машина ҳар кун 24—25 тонна пахта термоқда. Механизатор Ҳ. Қўчқоров эса терим пешқадами бўлиб қолди. У ўз «загори кема»сиз бункеридан ҳар кун қариб 10 тонна пахта тўймоқда.

ЖАДАЛ СУРЪАТДА

Гурлан ноҳиясининг хўжалиқларида 30 дан ортиқ бригада социалистик мажбурият ҳисобига хом ашё тера бошлади.

Гурланликлар Хоразм вилоятида пешқадамликни ўз қўлларига маҳкам ушлаб турибдилар. Яқин кунлар ичида улар давлатга хом ашё сотиш йиллик плани бажаришнинг тўғрисида рапорт беришлари мумкин.

Муваффақиятга фақат охи ҳаво шароити тўғрисида эришилмади. Терим ишларини яхши ташкил этиш, онла ва бригада пудратини кенг қўлланиш, теримчилар ҳамда пахта терим машиналари механик Ҳайдовчилари меҳнатига тўғривақарин ҳақини ошириш бўлган таъсир қилди.

Ленин номи, «Правда», Навоий номи жамоа хўжалиқлари, «Янгиобод» ва «Гулдуст» совхозларининг пахтакорлари теримни жадал суръатларда олиб боришмоқда.

Бу йил гурланликлар режага кўра давлатга 30,5 миң тонна хом ашё сотишлари, гектаридан 29 центнер ҳосил олишлари керак. Кўрсаткичлар аниқлаштириб ҳисобларига қараганда, бу кўрсаткичлар аниқлаштириб бажарилади. Район пахтакорлари ҳақиндан 35 миң тонна оқ етти териб олишлари мумкин. Демак, пахта ҳосилдорлиги 33 центнерга етди.

ИЛГОРЛАР

Хонқадаги Октябрь 40 йиллиги номли жамоа хўжалигида пахта терим машиналарининг Ҳайдовчилари ўртасида ўтказилган мусобақада ана-ука Фарход, Отаназар ва Шомурод Эшмуродовлар олдинда боришмоқда. Ог-инилар бу йил бир зевенда ишлашмоқда. Ва уларнинг ҳар бири ўз бункеридан 120 тоннадан пахта тўрди. Терим олинган ҳосилнинг ҳаммаси биринчи навларга қабул қилинди.

Ана-укалар ўзларига бириктирилган техникага яхши қарайдилар, уни ўз вақтида кўздан кечирадилар, майда-чуйда ремонтини ҳам қиладилар. Машина мабодо юрмай қолиб, бирор ери қаттиқ шикастланган бўлса, усталарни чақирадилар, айни вақтда ўзлари ҳам унинг ишдан чиққан қисмини тиклашда фаол қатнашадилар.

Бир-бирининг ўрнини босиш, ишни яхши ташкил этиш улар вақтдан аниқ ўзиб кетишларига, юқори самарга эришишларига ёрдам бермоқда. Ана-ука механизаторлар ҳар кун ўрта ҳисобда 25 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахта теришмоқда. Улар терган пахта шу заҳотда тракторга тиркалган арваларга ортлади ва тайёрлов пунктга жўнатилади.

Жамоа хўжалиги далаларида ҳали пахта кўп. Ҳўзларнинг юқори қисмидаги кўсаклар ҳам очила бошлади. Бу эса механизаторлар кенг миқёсда ишлашлари учун шароит яратди.

Ана-укалар ана шунинг ҳисобига олиб, терим жадалини қайта кўриб чиқдилар. Энди улар кечалари ҳам ишлашмоқда.

Меҳнатга тўғривақарин ҳақини кўпайтириш ҳам бу илгорларнинг янада шижоат билан меҳнат қилишга рағбатлантирмоқда. Улар дастлабки икки ҳафтада деярли миң сўндан пул олишди. Эшмуродовлар терим охиригача ўз «загори кема»ларини бункерларидан камида 500 тонна пахта тўйишга қарор қилдилар.

ИШЛАДИНГИ—ҲАҚИННИ ОЛ

Хоразм вилоятидаги «Бого» совхозининг механизаторлари ўзлари терган хом ашё учун ҳар беш кунда ҳақ олишди. Бу пуллар оз эмас, чунки илгорлар ҳар кун 10 тоннага яқин ҳосил теришмоқда. Зеро, механик-Ҳайдовчи беш кун ичида 500 сўмга етказиб пул ишламоқда.

Механизаторларнинг зарбдор меҳнати совхоз жамоасига ҳозирдаёқ режада мўлжалланган ҳосилнинг қарийб бешдан тўрт қисmini териб олиш имконини берди. Далаларида очилган кўсаклар ҳали ҳам кўп, бу эса пахтакорларнинг давлатга ҳар кун режага нисбатан 5 фоиз хом ашё топширишига имкон бермоқда.

— Ҳосил яхши бўлди, — дейди механик-Ҳайдовчи Ю. Сафаров. — Бу мавсумда 200 тонна пахта териб, шахсий рекорд ўрнатсам керак, деб ўйлаётман. Ҳозирнинг ўздаёқ ана шу пухтанинг ярмини хирмонга тўкиб қўйдим.

ТАДБИРКОРЛИК

Коммунистик райони деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси Азизбек Нишонбоевнинг иш хонасида рақия ишга тушди:

— Свердлов номи колхоз раиси Абдумажид Машабоков гапарайпти. Азизбек, азизим, бугун қандай бўлди, юк арвалари етишмапти. Бирор нарса қилсангилар. Кеча биз йиллик планининг 7 фоизини берган эдик...

— Биламан, сабр қилинлар. Бугун тушгача «Центровоз»лар келиб қолади.

— 4—5 та «Центровоз» юборсанлар, кунлик ўсиши 8—9 фоизга етказиш биз учун ҳеч гап эмас.

— Яшанлар! Машиналарни албатта, жўнатаман. Кўтинлар.

Районда ҳар соатда вужудга келиб турадиган мавсум муаммолари зудлик билан ҳал этиляпти. Ушшоқлик натижаси пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотда ўз инфоасини тошган — улар Тошкент



Фарғона районидаги Ленин номи жамоа хўжалигининг Аминжон Қаримов бошлиқ бригадаси ижарачилари йиллик маррани забт этидилар. 261 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнер ўрнига 30 центнердан юқори нав пахта саранжомланди. Меҳнат аҳли ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 35 центнерга ет-

казиш мақсадида йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бормоқда.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Аминжон Қаримов илгор механизаторлар Собиржон Яхёев ва Обиджон Қодиров билан сўхбатлашмоқда.

Ш. АЛИМОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

МАСЪУЛИЯТ ОШДИ

Ромитан пахта заводи терим авжи қизган паллада одатдан ташқари оёқиниша кўрилади. Ваҳодани, Урган йилнинг шу вақтида завод дарвозалари олдида пахта орттилган машиналар ҳам, одамлар ҳам сизмай кетарди. Хом ашё сифатини текшираётган лаборантлар ўзлари қарига қўйишни билдиришмас, пахтакорлар эса уларнинг хатти-ҳаракатларини синчиловлик билан кузатиб туришарди. Иш ҳатто мижорларга ҳам айланган пайларга бўлади.

Бугун эса шароит бутунлай бошқача — амалий, оёқиниша ишлашмоқда. Вақтинча билан дарвозалар олдида арвалар тиркалган тракторлар келиб тўхтайдилар, Ҳайдовчилар ҳўжжатларини кўрсатиб, ўз юкларини киши кўз ўнгига юксалиб бораётган пахта хирмонлари олдида олиб борадилар.

Гап шундаки, завод тақриб бошлаган. Энди хўжалиқларнинг ўзлари пахтага қабул қилиб оладилар. Корхона барча тайёрлов пунктлари ҳамда хом ашё сифатини текшириб аниқлайдиган лаборантларини уларга тенгига берди. Энди пахтакорларнинг ўзлари махсуслот салмоғи учун ҳам, сифати учун ҳам жавоб беришарди. Улар заводга уқунлардан фойдаланганлик ва ишлаб чиқарилган махсуслот учунгина ҳақ тўлайдилар.

— Хўжалиқлар қўшиб ёзишлар ёрдамида корхонани чалғитмаслиги учун нафолат бормикан?

— Албатта, бундай де-йи завод директори А. Абдураҳмонов. — Бундай қилишлар



Пахтачи районидаги Карл Маркс номи жамоа хўжалигида йиллик режани удалаган бригадалар сонига тобора кўпаймоқда. Кунинг кеча Ю. Тоғаев бошлиқ жамоа аҳли зафар кўчди. Қабул пунктига 210 тонна оқ олтин топширилди.

Пахтакорлар бу кўрсаткични 310 тоннага етказишмоқчи.

СУРАТДА: бригада даласида пахта терими пайғи.

Е. ТАШЛИЦКИЙ олган сурат. (ЎзТАГ).

...Хўжалиқнинг бош агрономи Трофим Югай деҳқончилик-саноат уюшмасидан келган ўз ҳаммасин билан сўхбатда пахта қабул қилиш пунктларидаги тартибсизликлар тўғрисида гапирди, у ерда пахта ортилган юк арвалари 4—5 соатлаб турарди қолаётганлигини айтиди.

Дарҳақиқат, «Жумабозор» ва «Ўзбекистон» пахта қабул қилиш пунктлари олдида пахта ортилган карвалар ўз юкини туширишга соатлаб туриб қолмоқда. Тарози хўжалиғи шунча пахтага қабул қилишга улгурмайпти. Аёз Қўлбеков бригадасида қўш пулцеппи 12 та транспорт трактори пахта ташин билан банд. Ленин эрталаб соат 11 да жўнатирилган олтин трактор фақат кеча яқин қайтиб келди. Пахтакорларни яқин кунларда режани бажаришнинг мўлжаллаётган районида бу муаммо ҳам ҳал этилади, деб ўйлаймиз.

Механизаторлар ўз машиналарини тўхтатиб, пахтакор чекмасидаги мажбуриятлар солида тушликка тўланишда: шийлонга бориш учун вақтни қизғаниши.

ЖАМКАРО
ЖАЁТ СОКЕЛААР, ФАКТААР, ЗИГНАМКААР

СУРАТЛИ КЎРГАЗМА

БУЭНОС-АЙРЕС. (ТАСС мухбири Константин СЕРОВ). Аргентина пойтахтида «Қайта қуриш аргентиналик нигоҳида» мавзусида суратлар кўргазмаси очилди. Аргентиналик таниқли суратнаш Серхио Панчевски ўзининг 69 та ишини томошабинлар эътиборига тақдим этди. У Совет Иттифоқига икки ҳафталик сафар қилган эди. Кўргазма нафақат маҳаллий журналистлар, сивсий арбобларда, айни вақтда тижоратчилар, савдогарларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Кўргазманинг дастлабки иш кунинда муаллифга яқинлашнинг иложи бўлмади. Унга СССР тўғрисидаги саволларни ёддиришар, у ёни бу асарини батафсилроқ шарҳлаб беришни илтимос қилишарди.

— Асарларим турли аҳтиросларга сабаб бўлаётганидан ва у йил бу суратларнинг мазмунини қараман-қарши талқин этаётганликларидан жуда хурсандман, — деди ТАСС мухбири билан сўхбатда С. Панчевски. — Мен Москва, Ленинград, Ўзбекистон ва Тюменда бўлдим. Ҳозир улуг халқингизга қанчалик оғир бўлаётганини, сизда иқтисодиёт ва ахлоқ-одоб маъносида бўлаётган янгиликлар қийинчилик билан ўзлаштириляётганини ўз кўзим билан кўрдим. Ленин аниқ муқими барча муаммоларга қармай, бахтиёр бўлишга интиляётган ва эртанги кунга умид қилаётган оддий одамларни кўрдим. Буларнинг ҳаммасини аргентиналикларга етказиш учун ҳаранат қилдим. Улар ҳам, менинг назаримда, Совет Иттифоқиданга ўхшаш иқтисодий муаммоларни бошларидан кечиришмоқда.

СЎНГГИ СОАТДА

● БМТ. Нью-Йоркда СССР ташқи ишлар вазир Эдуард Шеварднадзе билан АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер ўртасида амалий учрашув бўлди. Учрашув «Ўзгариб бораётган дунёда тиқчилик ва ҳавфсизлик учун масъулият» деб аталган Совет—Америка қўшма Байёнтини қабул қилиш билан илҳосига етди. Бу икки вазирнинг кейинги ўн кун ичидеги учинчи учрашуви эди. У олти ярим соатдан кўпроқ давом этди. Европада оддий кулолрогларни қисқартриш масалалари сўхбатларнинг асосий мавзуси бўлди. Иккала вазирнинг фикрига қараганда, мазкур муаммонинг барча жиҳатлари юзасидан битмига эришилди.

● БЕЛГРАД. Серб оппозициячи партизани уюшмасининг вакиллари жумҳуриятда 9 декабрь кунини ўтказишнинг белгиланган парламент сайловини бойкот этишга қарор берганликларини эълон қилдилар. Улар Сербия сивсий жамоатчилиғига мурожаат этиб, ўзларини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Шу билан бирга, уюшма Сербиянинг ҳозирги раҳбариятига мурожаат қилишнинг ҳам таякки эди. У етти кун мобайнида сайлов ўтказиш тўғрисида амалдаги иккиозим бекор қилиниш ва барча партизани вакиллари иштирокида давра сўхбати уюштириш керак. Давра сўхбати қатнашчилари сайлов тўғрисидаги янги қонунни ишлаб чиқишлари, кейин эса уни зудлик билан қабул этишлари мумкин бўлур эди. Бундай ҳолда сайловни 27 декабрь кўчириш, сайлов олди кампаниясини эса шу йилнинг 27 октябрдан бошлаш мумкин.

● ВАШИНГТОН. Бир гуруҳ қонуни чиқарувчиларнинг АҚШ сенати орқали стратегик резервлардан нефть сотишни кўпайтириш тўғрисидаги қонуни лойиҳасини оддий тартибда ўтказишга уриниш муваффақиятсиз тугади. Бу янги қонуни лойиҳасининг ташаббускорлари бўлган муаллифлар маъмурият стратегик мақсадларда қўлланган нефтьлардан сотиш микдорини уч баравар, яъни 15 миллион баррелга етказишнинг таякки этилдилар. Мазлумки, бу нефть запаслари Луизиана ва Техас штатларининг соҳил бўлиқларида жуда катта ер ости оқибатларида сақланмоқда. Президент Буш бир ҳафта илҳосига «сено» тарқатди, шуниқдек Ироқ қўшиқлари хўружидан сўнг нефтьга бой бўлган Кувайтда парокандалик ва асабиллик вужудга келган икки нефть бозорига аҳволини

● ПАРИЖ. Франция ҳукумати БМТ ҳавфсизлик кеңаш таркибига ўзгартишлар киритиш мумкинлиги тўғрисида ҳар қандай масаланинг ўртага қўйилишини илҳосини, деб ҳисоблайди. Европа ишлари бўйича вазир-депутат Элизабет Гугу тоғи Франция миллий мажлисида сўзга чиқиб, шуларни айтиди. У депутатлардан бирининг саволига жавоб бера экан, БМТ ҳавфсизлик кеңаш домини яълол таркибига ўзгартишлар киритиш «бугун кун тартибидан тургани йўқ», деб айтди. Унинг сўзларига қараганда, кеңашнинг ҳозирги таркиби «тарихий вазиётининг» нфодасидир.

● ТОКИО. «Бутун дунёда ҳақдорлик қорғасига, муҳолифликка қарши қийфат кеит тарқайди ва биз бу нарса Совет—Япон муносабатларидеги мавжуд муаммоларни бартараф этишга яхши таъсир этишига умид қиламиз», — деди Япония ташқи ишлар вазирлигининг матбуот котиби Тайдзо Ваганабэ чоршанба кунин журналистлар билан бўлган учрашувида. У икки Герман давлати бirlаштиришнинг халқаро муносабатларга таъсири масаласига ҳам тўхтади.

(ТАСС).

ШАХМАТ КАСПАРОВМИ ЁКИ КАРПОВ?

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ УЧУН МАТЧ БОШЛАНИШИГА ДОИР

Мана олти йилдирки, ишқибозлар тилида ана шу савол турди, 1984, 1985, 1986 ва 1987 йилларда улар ўртасида жаҳон биринчилиги учун ўтказилган матчларда Каспаров яқин марта ғолиб чиққан эди. Фақат илк бор ўтказилган бексда (1984 йил) ҳисоб Карпов фойдасига 5:3 бўлиб турганида ўзини тўхтатиб, чемпион аниқланмасдан қолганди.

Шундай қилиб, жаҳоннинг икки кучли гроссмейстери эртунга бешинчи марта ғолиблик учун курашни бошлайди. Бунга ажабланмас ҳам бўлади. Нафақат яна тартибда ўтказилган бахсларда, балки йиллик халқаро мусобақаларда ҳам уларга теж келадиган шахматчилар топилмапти. Бир эслайлик: жаҳон чемпиони ўртасида эч ёш, бу борада рекорд ўрнатган Гарри Каспаров рейтинг (шахматчи кўрсаткичи) тарихда Эло тартиби бўйича рақам Улован билан белгилаш тарихида мисли кўрилмаган натижага эришди. Унинг кўрсаткичи ҳозир 2.800 га тенг! Кўрадаги бирорта бошқа шахматчи бу даражага етгани йўқ.

Ишқибозларни Нью-Йорк шахри нега матчининг биринчи қисмини ўтказиш жойи қилиб танланганига ажаблантириши мумкин. Бу бежиз эмас. Биринчидан, АҚШ дунёнинг ривожланган эч йиллик мамлакатларидан саналса, иккинчидан, бу ерда ҳам шахмат ўйини кенг тарқатиб қилган бўлиб, нуфузда СССРдан кейинги ўринда турди. Айни чоғда Америкада шахматга қизиқиш ниҳоятда катта. Бу мамлакат вакиллари жаҳон биринчилиги ва олимпиадаларда мунтазам равишда юксак ўринларни эгаллайдилар. Уларнинг айримлари аср боридаёқ шахмат тоғини олиш учун давлатлик қилганлар. АҚШ чемпиони Ф. Маршалл фикрининг депулятидир. У 1907 йилда германиялик Эммануил Ласкерга қарши жангга тушган эди. Афсуски, бу матч унинг мағлубияти билан тугади. Ушанда айни кунга тўлган Э. Ласкер рақибини йиллик ҳисобда «тормор» этган эди.

Афсонавий Роберт Фишер ўз мамлакатига катта шўҳрат келтирди. У 1972 йилда СССР вакили, ўша вақтдаги тоғ соҳиб Борис Спасский устидан ғалаба қозониб, жаҳоннинг ўн биринчи чемпиони бўлди. Аммо орадан бир неча йил ўтган, кутилмаганда чемпион унингнинг ҳимоя қилишдан бош тортиб, миллионлаб шахмат ишқибозларини ҳайратга солди. Шу-шу у умуман кўзга кўринмай кетди.

Бу америкаликларни шахмат ўйинларига ташна қилиб қўйган аниқ. Улар бахс бошланганини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Ҳўзоналарда, жердаларда бу ҳақда кўпдан-кўп мақолалар бериляпти, ойнаи жаҳон турли зшиттиришлар кўрсатмоқда. Ҳаммаининг таълида ана ўша савол: ким ютади? Каспаровми ёки Карпов? Аммо бир нарса аниқ: улардан қайси бири ғолиб бўлиши ёки ўтказишдан катти илҳос, шахмат тоғи мамлакатини вакилида бўлади.

Т. ҒАФУРОВ.

МУСОБАҚА, НАТИЖА

ФУТБОЛ

Европа кубоклари учун илк учрашулар ўтказилди, келгуси босқичга ўтказилиш олган командалар аниқлаштириш билан улар ўртасида кураш ташланди. Мазлумки, маълуматимизнинг беш вақидан тўрттаси курашнинг давом этирмоқда. Булар «Спартак», «Торпедо» (Москва), «Динамо» (Киев), «Черноморец» (Одесса) коллективларидир.

Улар бундан кейинги босқичда қайси клублар билан учрашадилар! Кураш ташлаш бу саволга жавоб берди.

Москва спартакчилари Италиянинг «Наполи» клуби билан, торпедочилари Испаниянинг «Севилья», Киев динамочилари Чехословакиянинг «Дукла» командаси билан учрашадилар. «Черноморец» эса бундан кейинги икки учрашувини Франциянинг «Монако» клуби билан ўтказди.

Эслайтиб ўтмиз: Европа совринлари учун курашнинг давом этирётган командалар учрашуларини 24 октябрь ва 7 ноябрда ўтказишлари лозим.

ШАБАЛИ ХОККЕЙ

Спортнинг бу турини бўйича мамлакат биринчилигида пешқадам командалар тез-тез ўзгариб турибди. Дастлаб МАСК олдинда чиқиб олган эди. Кейинги турларда ўтказилган учрашулардан сўнг Москванинг икки командаси — «Динамо» ва «Крилья Советов» пешқадам бўлиб олдилар. Уларнинг иккаласи ҳам сафарда ўйнашди. Масалан, динамочилар Ленинградда маҳаллий АСК командаси устидан 5:2 ҳисобида ғалаба қозондилар. Касаба уюшма хоккейчилари Усть-Камеогорскнинг «Торпедо» клубини 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ярославль торпедочилари эса Воскресенский «Химик» командасини ўз майдонларида қабул қилиб, 5:3 ҳисобида енгилар. Бир кун аввал бўлиб ўтган учрашулар шундай тугаган эди: Москва армиячилари

Нижний Новгородда маҳаллий «Торпедо» коллективини 7:5 ҳисобида енгилар. Свердловскда маҳаллий «Автообил» ва Челябинскнинг «Трактор» командалари ўртасидаги матчада 7:2 ҳисобида майдон эгаларининг қўли ба-ланд келди.

Мамлакат биринчилигида 17 тадан очко тўплаган Москва «Динамо» ва «Крилья Советов» командалари пешқадамлик қилаётган. Москва армиячилари улардан бир очко орқайда боришмапти.

РЕГБИ

Мамлакат чемпионида Кивеннинг «Аватор» командаси ягона қарсонбоз бўлиб олди. Учувчилар ўз ҳамрашлари «Политтехник» клубини 17:6 ҳисобида енгилар, жағмар-малларидеги очколарини 68 тага етказиб олдилар.

Тошкентнинг «Звезда» командаси Москвада маҳаллий «Слава» клуби билан учрашди. Аммо унда жаҳонларининг омади келмади. Улар пойтахт спортчиларига 6:14 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. «Звезда» 4:0 очко билан тўқинчи ўринда борапти.

БИР ПИЁЛА

Чой дамлаш

Дам олиш саҳифаси

Омон бўлишин, яхшилар!

АСР
ТЕНГДОШИ

Боболаримиз, момоларимиз эркаклар: «Юга кўриги», — дейдилар. Ғарб донишманди Ф. Ларошфуко айтганидек, кексалиш ҳам бахт, унга ҳамма муассар бўлавермайди.

Еёвоннинг Юсуфжон ота Обидов ҳам умрдоқ кексалардан. У ҳозир 100 яшар. Турмуш ўртоғи Турдинисо буви эса 91 ёшда. Юсуфжон ота камширидан тўқинч ёш катта бўлса-да, анча тетик, бардам, сўзлари маъноли, гаплари матаал, шеърларни кўшиб, чирокчи гапирарди.

Юсуф отанинг ўғилчалари, келин-куёвлари, неварачеваралари катта бир маҳалла бўлади. У Турдинисо буви билан етмиш йилдан ортиқ тинч-отуви янаб келмоқда. Уларнинг тўрт ўғли, бир қиз, 32 невараси, 37 чевараси бор. Невара келин, неварачеваралари ҳисоблаганда жами авлоди 87 чарар.

Юга кирган бобоми суҳбатда чорлаймиз.

— Узоқ умр кўришигиниз сирини билма, деб уйлaysиз? — Аслида ортиққа қарилдик — ранж, аммо нотаманга одамга у ганжидир. Юга йиллик умринида ғийбат нима эканлигини билмадик, одамларнинг севидим. Меҳнатни доимо ўзинга йўлаш деб билдик. Ҳозир ҳам қўй-қўзларнинг ўт-сувида хабар олиб туришга қўрим етасди.

Юсуф ота — дехқон фарзанди. Умр бўйи дехқончилик билан шуғулланди. Фарход ҒЭСи ва Катта Фарғона каналлари қурилишларида қатнашди. Еёвонда қоллоқлар тузишда фаолият кўрсатди, ҳалол тер тўкиб ишлади. Мана 40 йилдирки, бобо қаламқашлар тиби билан айтганда қарилдик гаштини сурмоқда. Уан тўқикидларганидек, кексалишнинг таи олмай қуноқ, Уянаб-қулаб ўтказганга у ганж.

М. БОПМАТОВ.



ЭЛ ЭЪЗОЗИ

Жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларида коллективлаш, Улуғ Ватан уруши йилларида фидокорона меҳнат қилиб, Ватанимиз равнақи учун фаол курашган нуруний отахонлар, меҳри дарё онахонлар кўп. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йиллари ёшлар учун ибратли, Холлошша Азимова ана шундай аёллардан биридир. 1944 йил Ватанимизнинг мард ўғлонлари гитлерчи таъабдан билан ҳаёт-мамот жангари олиб бораётган кезлар. Хали қишлоқ мактабини тугалламаган Холлошша урушга кетган катталар ўрнини олиш учун отланди. Еш қиз Охунбобоев номи жамоа ўқушида йиллардек тер тўкиб, жангдоқ учун мева-сабаовот етиштиришда жонболик кўрсатди. Ниҳоят, оранкиб кутилган Вуюк Галаба қуналари келди...

Урушнинг номи ўсмин. — дейди Холлошша она. — Не не аликюват йигитларимиз йўқ бўлди. Уша пайтда жангдоқ ораксидида ҳам ҳаёт машаққатли кечди. Бир бурда нон дея аазоб чеканларнинг саиоги йўқ эди. Шундай оғир кунларда новийлик қасбонини шарафлаб, бу азия неъматини ёъозласини дилинга тугиб қўйган эдим. Уруш тугаган, ўқини давом эттириб, ўрта маълумотли бўлдим. Кейинчалик бравим ушалди.

Ха, ёш Холлошшанинг урушдан кейинги ҳаёт йўли ибрат олса аригулик. Қишлоқ дўқонида меҳнат қилиб юрган кезлари Самарқанд кооператив билимгоҳини сиртдан тамомлади. Мана, ўн йилдирки, Тошкент районидаги Келес новийхонасига мудирлик қилаётиди. Бу жамоада бўласанги, она қақнда нлиқ гапларини эшитасиз. Ешларга меҳрибон устоз. Меҳр-оқибат бор жойда режалар ортинги билан бақарилаверасди. Бу ерда ҳам шундай. Азиза неъмат соҳиблари оинга 450 тонна миқдорда ўн инки хил нон тайёрламоқдалар.

Шоғирларимга хамирини оин-тобида етиштириш, зуваланинг пишиқ бўлиши, нон ёпиш олдидан тандир маромида қизиши кераклигини уқитраман. — дейди Холлошша она. — Ана шундай қилинганда маҳсулот сифати чингади.

Район ҳудудидаги жамоа ва давлат хўжаликлари, қишлоқларда она бошлиқ новвой-

хонанинг йигирма олтига цеши ишлаб турибди. Масалан, 7-ғиш заводи қоишдаги 1-цеҳда асосан бутика ёпилади. Бу ерда ўза қасбонинг усталари Дилшод Бойжонови ва Любовь Холодова миқозлар лидига мос маҳсулотлар тайёрлашмоқда.

Еш коммунист Юсуфжон Дадажонов раҳбарлик қилаётган 2-цеҳда оинга 60—70 тонна (ғижда ва патир нон) маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Ойлик, ярим йиллик режалар охириб бақарилишида Мавжуذا Иўдошова, Охирси Ҳожимуродова, Мавлуذا Турсунова, Нортожи Сиддиқова, Қобилжон Абдуазимов сингари игорлар хўсраси катта бўлаёти. Онанинг жонқуялиги, ташаббуси билан Навойи номи жамоа хўжалигининг Қулепта участкаси, «Тошкент» давлат хўжалигининг олис чеккасида оин не қиз иша тушиди. Натияжада ана шу жойларда истиқомат қилувчи аҳоли учун қулайлик яратилди.

Меҳнат қилган — элда азиз, деб бежиз айтмайдилар. Холлошша она Азимованинг ташаббускорлиги, шоғирларварлиги, ўйлаган режасини вақтида амалга ошириши муносиб тақдирланаётир. У «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнатда ўрнақ кўрсатганлиги учун» нишонларининг соҳиби. Инки маротаба Абзекистон ССР Олий Кенгаши Президиумининг фарйи ерлиги билан тақдирланган.

Новвойлар сардори Х. Азимова жамоат ишларида қатнашишга ҳам вақт топади. У матлубот жамятини хотин-қизлар кенгашининг раҳбари, Айнақса, кўп болали аёллар, ёлғиз фарзандли оналарнинг энг яқин қўмақчиси ва хомиячисиدير.

Холлошша она хонадони ҳавас қилса аригулик оилалардан, Фарзандлари турли соҳаларда меҳнат қилишаётир. Набираси Ҳаним Иброҳимов ва келини Гузал Азимова унинг ишдан бориб, новийлик қасбонини шарафлашмоқда. Умр йўдоши Ҳаним она Азимова Охунбобоев номи жамоа хўжалигининг пешқадим бригадирларидан.

Ф. ИСАЕВ.

СУРАТДА: Холлошша Азимова шоғирларини Мавлуذا Турсунова ва Юсуфжон Дадажонов билан нонлар сифатини кўздан кечираётир.

М. НУРИДИНОВ олган сурат.

МАДАНИЯТ

ЯНГИЛИКЛАРИ

ДАЛА ШИПИНИДАГИ КОНЦЕРТЛАР

«Ҳосид-90» ташвиқот поёзи Андижон вилояти Қўрғонтепа ноҳиясининг хўжаликчлари бўйлаб сафарга жўнаб кетди. Ижодий бригада таркибда ноҳия маданият уйи бадий ҳаваскорлик жамоалари, ёзувчилар, рассомлар бор.

— Биз умуми иши — пахта теримига ўза ҳиссамизни қўйиш имкониятига эга бўлганимиздан хурсандимиз, — деди ташвиқот поезидининг раҳбари Б. Зулдунов, — Чуқки яхши кайфият меҳнат унумдорлигига анча таъсир қилди. Концерт программасига ҳажайи шингил ҳикоаллар, қишлоқ турмушидаги камчиликлари фощ этувчи ҳазил-мунотбалар киритилган. Шоирлар ва нозирлар қишлоқ ахлини ўза ижод намуналари билан таништирадилар, рассомлар гуруҳи эса деворий рўзнама-лар чинаришди, уларда тарғибот поезди борадиган хўжаликларнинг муайян муваффақиятлари ҳамда муаммолари акс эттирилади.

Поёзда шифокорлар ва манший хизмат соҳасининг ходимлари ҳам бор.

ҚИЗГИН
УЧРАШУВЛАР

Гулiston ва Янгиер шаҳар саҳнат ва эскуриялар бюросининг ходимлари биргалашиб янги саҳнат йўллари учун ишлаб чиқишди. Улуғ Ватан уруши ветеранларининг гуруҳи уруш бўлган муқаддас ерларга қилинган саяхатдан қайтиб келди.

РСФСР, Украина ва Белорусиянинг шаҳар ҳамда қишлоқларида ветеранларнинг ёшлар билан учрашувлари бўлди. Ўзбекистонлик меҳмонлар уруш йиллари хотираларини ўртоқлашдилар. Ветеранларни ҳамма ерда самиянинг ва қувонч билан кутиб олдлар. Сафар Қарамои шаҳар Волгоградга ташриф буюриш билан ниҳосига етди.

ҚАДИМИЙ ХУНАР
ТИКЛАНМОҚДА

Балиқчи ноҳияси маданият уйининг деворлари қўлда тўқилган гиламлар билан яратилди. Уттиз нафар қиз қадимий хунар сирларини ёзалаб олшиди.

Ҳамма иш Балиқчи ноҳияси маданият бўлими ходимларининг ташаббуси билан бошланган эди. Бухоро вилоятидаги Шофиркон гиламчилик фабрикаси раҳбариятидан қурслар ташкил этишда ёрдам бериш ниети-мос қилинди. Етти қиз чеварлар шаҳрига бориб, у ерда бир ой давомида сабоқ олди. Бувадан ташқари улар улар билан бирга иккинчи дастур ва тўқиш учун зарур хом ашёни олиб келишди. Қизлар ўза дугоналарини гилам тўқиш савъатига ўртага бошладилар. Қарабаски, ўзалари ҳам мураббий бўлиб қолдилар. Ҳўшдан кейин дастурлар курсларини бири-бири қизларнинг уйига улар иш билан шуғулланишлари мумкин бўлишини ухриятлади. Касаначига айланган уй бекалари бул ишлаб топишлари, шунингдек боаларини қадимий хунарга ўргатишлари ҳам мумкин.

— Ноҳиямизда айниқса аёллар ва ёшлар орасида ишчилар кўп. Худди ана шу ахвол қўшимча иш урушларини яратишга унади, — дейди ноҳия маданият бўлимининг мудир Ш. Абдуазимов, — Ўзбек чеварлари неча асрдан бери гилам тўқиш санъати билан машғур бўлиб келишди. Ҳозир эса уларнинг қўлгина сирлари йўқолиб кетган. Шу боис халқ санъатига меҳр-муҳаббат тўғрисидаги маълум сўзлардан амалий ишга ўтиш керак бўлади.

Кишлоқ клуб мудиридан сўрашди:

- Қандай ишлар қилаёсиз?
- Бир ўзим ички юмушини бақараялман.
- Бу қанақаси бўлди?
- Клубни ҳам очаялман, ҳам ёшларман.

* * *

Эр-хотин жанжаллашиб қолишида: Эр маҳл билан рафикасига деди:

- Ғингир-ғингирларинг жойинига тегади. Агар ана шунча қилсанг, ўзимни сувга ташлайман.
- Мени қўриқитаман деб ўйламанг. Узингизни сувга ташлолмайсиз!
- Нега ташлай олмас эканман, ташлайман! Мана кўрсан!
- Бундай қилмайсиз, акир, сузишни билмайсиз, шу!
- Ойи, саломни ҳам еса бўладимки!
- Йўқ, нима эди!
- Нега унда бувим менга хар кун мактабдан келганимда ела саломни еб қўйдингми, дейдилар!

* * *

Эрталаб хотини отланаётган эридан ишга сўради:

- Дедаси, кенга нима тайёрлаб қўйди?
- Бир-икки оғиз ширин сўзи!

* * *


Семиз бошлиқ рафикасига деди:

- Шифокорлар менга кўпроқ юришни маслаҳат беришаёпти.
- Нимадед! Давлат машина-

Ойна жаҳонда

8 ОКТЯБРЬ. ДУШАНБА

- УЗТ I
- 18.00 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.05 Янгиликлар.
- 18.10 «Олтиндан қиммат. Мультифильм».
- 18.20 «Санъат гунаҳлари». «Пехтаой» ансамбли ижро этди.
- 18.50 А. П. Чехов. «Зўраки трагедия». Теленовелла.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 «Бозор иқтисодиёти муаммолари».
- 20.30 «Ахборот».
- 20.50 «Кўнне соллар». Дутор.
- 21.30 Москва. «Время».
- 22.00 «Ҳорман, пхтакорлар!».
- 23.00 Экранда — кинокомедия. «Маҳаллада дув-дув гап» («Ўзбекфильм»).
- 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
- УЗТ II
- 19.00 Кўрсатувлар тартиби.
- 19.05 «Ассалому алайкум, Муски қўрсатув (тақор)».
- 20.05 «Ўзбекистон таъзими», «Рабо-во». Телефильмлар.
- 20.45 «Ҳарбий ислоҳот». Муаммо. Иланиш ва ечимлар (рус тилида).
- ДУШАНБА КўРСАТАДИ:
- 22.00 «Қуллар». Телевизион бадий фильм. 1-серия (рус тилида).
- МТ I
- 7.00 «120 минут».
- 9.05 «Фомка, Фомка ва Артоси». Мультифильм.
- 9.35 Футбол шарқи.
- 10.05 «Золотое кольцо» ансамблининг концерти (Смоленск).
- 10.20 «Христофор Колумб». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1-серия.
- 11.55 «Ҳайсон оламида».
- 13.00 «Время».
- 13.40 «Мен уй кураман». Архитектурада новаторлик ва аъёнлар қақда телевизион хўж. жатли фильм.
- 14.10 «Рихард Вагнер ва Рига». Ригадан кўрсатилади.
- • •
- 16.00 «Қишлоқ янгиликлари». Парнома.
- 17.15 Болалар соати (немис тили дасри билан).
- 18.15 «Бозор». Германияда бу қандай амалга оширилмоқда!
- 19.00 «Время».
- 19.30 Коллаж.
- 19.40 Ситийнар баянчилар триоси чалади.
- 19.55 «Христофор Колумб». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1-серия (Италия телевидениеси).
- 21.30 «Время».
- 22.00 Футбол шарқи.
- 22.30 «Авдейки қўмсав». Я. Кулала номидида Белорус Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. Муаллифи — В. Бутромеев.
- 00.05 «Фестиваль...». Конкурслар... Концертлар...
- 01.05 «ТСН».
- МТ II
- 9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
- Укув программаси
- 9.15 «Бу қитмир эри». Илмий-оммобал фильм (Таллин).
- 9.45, 10.35 Табиаунослик. 2-синф. Парралделар кузда.
- 10.05 Италия тили.
- 10.55 Эрдутлар учун раэмника.
- 11.40, 12.35 Адабиёт. 11-синф. А. М. Горький, «Тубанлиқда».
- 12.10 «Исқик нон». Илмий-оммобал фильм.
- • •
- 13.05 «Қайрилиб боқини унут-ма». Телевизион бадий фильм («Экран»).
- 14.40 «Опоқ қордаги қизил қирқовул». Урмончи М. Жинкин қақда телевизион хўжалати фильм премьераси (Севрдовск киностудияси).
- 15.05 Тақдорий телефильмлар севанси. «Қудратини — бирликда» (Венгрия).
- • •
- 17.30 Мордва АССР Давлат телерадиоси. «Мордва юрти одамлари» (Саранск).
- 18.15 «Тақиқланган шаҳар». Кўп серияли илмий-оммобал фильм. «Хитой маданияти» туркумидан. 11-серия — «Каллиграфия санъати» (ХХР).
- 19.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).
- 19.35 Телевизион музикали абонемент. «Мстислав Ростропович концертида». 1-курсатув.
- 20.30 Тунигиз хайри бўлсин, кичинтойлар! «Енгин».
- 20.45 Архивистлар. «Москва айлиги» халқаро турнири.
- 21.30 «Акс этиш». Т. Степанова рақсга тушди. Одессадан кўрсатилади.
- 22.10 Теннис. Халқаро турнири. «Крарт жeneral Фудс». Хотин-қизлар. Финал. В. И. Ленин номидида Марказий стадионнинг Спорт саройидан кўрсатилади.
- 23.10 «Уғрилик». Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар («Молдова-фильм»).



БОШҚОТИРМА

ЭНИГА: 4. Сувда юк ташки курилмаси. 5. Хўл мена. 8. Қизил ва йирик узум нави. 9. Қияматбахо рангли тош. 10. Умумхалқ тилининг маълум ҳудудига хос тармоғи. 17. Аттотлик ашёси. 19. Дарё ёқаларидаги кўтарма тўсиқи. 20. Барги табобатда қўлланиладиган ўсимлик. 21. Қишлоқ хўжалиги маъсуми. 22. Мусиқали саҳна санъати.

БҒНИГА: 1. Кўп йиллик чорва экин. 2. Табиий фаолардан бири. 6. Шимоддаги дарё. 7. Қийиллар турига мансуб камеб жонивор. 11. Сўза туркуми. 12. Ҳафта кунин. 15. Зеб-зайнаб бўюми, тақинчоқ. 16. Бинокорлик ашёси. 18. Кабобаэлик анжозни. 20. Қадимий ер ҳайдаш асбоби.

ЕИЛАР БҒНИЧА УНГА: 3. Йирик ўзбек файласуф олами. 13. Болгариянинг ҳазил-мунотба анжуманлари ўтказиладиган шаҳри. 14. Балиқхўр сув қуши. 23. Ўрта Оснёдаги йирик дарё.

ЕИЛАР БҒНИЧА ЧАПГА: 3. Миллий таом. 13. Асаларнинг асосий озуқаси. 14. От-улов анжозни. 23. Мирзачўлининг шимоли-ғарбидидаги сув ҳавзаси.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

ҚАТРАЛАР

- Эгзу сўз — нуғч безаги.
- Эгзу иш—ҳаёт кўрми.
- Эгзули охири — мой.
- Емонлик сўнгги — вой.
- Фикри созининг — қадами соз.
- Кўрғиш олган — ёмон.
- Кўнгли очкининг — йўли очик.
- Дарё суви билан ёр — кўварар.
- Кексез сўзи билан—эл.
- Оқкиш олган — омон.
- Ваъда берсанг, вафоси бўлсин.
- Иш қилсанг — сафоси.
- Сўз — ижроси билан, Ваъда — вафоси билан.
- Р. ЖУМАНИЕЗОВ тўплаган.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Бир вақтда кўп туғилдиш бўйиче дунёдаги энг юксак айтижа Бразилияда қайд этилган. 1946 йилда бу мамлакатда бирданги инки ўғил ва саккиз қиз туғилган.

Энг катта бола 1955 йилда Италияда дунёга келган. У гортиб кўрилганда оғирлиги 10 килограмму 200 грамм чиққан.

Энг кичкина чақалоқ Жанубий Шиндейда туғилган. У қизалоқ бўлиб, вазни 283 грамм, бўйи 31 сантиметр эди.

Унга доктор Д. А. Шрер қараб, ҳар соатда бремди, глюкоза ва сув эртмаси билан боққан.

Энг кўп туғиш ҳам расийи равишда қайд этилган. Бир она умри давомида 69 та фарзанд кўрган. У рус аёли бўлиб, Федор Васильевнинг инки тотиндан биридир. Шу қишлоғида истиқомат этган бу аёл 27 марта кўз ёриб, 16 бор эгизак, 7 марта бабо утачдан, 4 марта тўрттадан чақалоқ туққан. Бу 1725 йилдан 1765 йилгача даврда рўй берган.

Ҳозирги кунда чилилик аёл Леонтина Альбина ҳаммадан кўп ўғил-қизга эга. У 1983 йилда ўзининг 55-фарзандини туққан.

Кўп хотинга уйланиб, боалари беҳад бисёр икчилар ҳам дунёда урчаб турадилар. Фирризмизнинг далили учун қуйдаги маълумотни келтириш кифёе.

1703 йилда Мароқашнинг сўнги ҳоқони Мулея Исмоилнинг ўғиллари 525 тага, қизлари 342 тага етганди. 1721 йилда унинг 700-ўғли дунёга келган.

Ҳоқоннинг рафикалари нанда бўлганлигини бир чамлаб кўринг-а!

Даниялик Виллем Клеин 1981 йил 7 апрелда юз сонли белгидан 13-даррамли иладоини бир дақиқача 28,8 сонияда чиқарди.

Ҳиндистонлик Шакунтала Деви эса 1980 йил 18 июнда инкикта 13-белгилк сонни хаёлида кўпайтириб, электрон ҳисоблаш машинасида аввал кўрсатди. Бунга 28 сония вақт кетди.

Одам яхши ёртилган ерда оддий кўз билан 10 миллионга қадар турли рангини бир-бирдан фарқ қила олади. Энг янги ишлайдиган асбоблар ҳатто бунинг ярмини ҳам илгай олишга қодир эмас.

Муҳаррир ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.